

Рекуператив иссиқлик алмашинув аппаратларининг иссиқлик ва гидравлик ҳисоби. Мустақил иш учун услубий кўлланма. Тактаева Л.Н., Рахимджанов Р.Т., Мавжудова Ш.С., Алимова М.М. - ТошДТУ, 2006. - 44 б.

**РЕКУПЕРАТИВ ИССИҚЛИК  
АЛМАШИНУВ АППАРАТЛАРИНИНГ  
ИССИҚЛИК ВА ГИДРАВЛИК ҲИСОБИ**

**Мустақил иш учун услубий кўлланма**

Услубий кўлланма “Иссиқлик энергетикаси” мутахассислиги бакалавриат талабаларига мустақил иш бажариш учун мўлжалланган. Услубий кўлланмада кўп соҳаларда ишлатиладиган иссиқлик алмашув аппаратлари, уларнинг турлари, ишлаш услублари ҳамда бир неча турдаги иссиқлик алмашув аппаратларининг иссиқлик ҳисоби, иссиқлик ҳисобида берилган иссиқлик оқимидан шу аппаратнинг юзасини аниқлаш келтирилган.

«Иссиқлик техникасининг назарий асослари» ва «Иссиқлик энергетикаси» кафедралари

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент давлат техника университети илмий-услубий кенгаши қарорига биноан чоп этилди.

Т о ш к е н т 2 0 0 6

Тақризчилар:  
ЎзФА Энергетика ва автоматика  
институти «Саноат энергия тежам-  
корлиги» лабораторияси мудири,  
т.ф.н.  
ТошДТУ «Иссиқлик энергетикаси»  
кафедраси доценти, т.ф.н.

А.Анарабаев  
М.Хошимова

## КИРИШ

Иссиқлик алмашинув аппаратлари деб, иссиқликни иссиқ ташувчидан совук иссиқлик ташувчига узатиб берадиган курилмаларга айтилади. Иссиқлик алмашинув аппаратларида иссиқлик ташувчи сифатида сув бүглари, сув, ҳаво, тутун газлари ва бошқалар ишлатилади.

Иссиқлик алмашинув аппаратлари уч хил бўлади:

- 1) рекуператив иссиқлик алмашинув аппаратлари;
- 2) регенератив иссиқлик алмашинув аппаратлари;
- 3) аралаш иссиқлик алмашинув аппаратлари.

Рекуператив иссиқлик алмашинув аппаратларида иссиқ иссиқлик ташувчидан совук иссиқлик ташувчига қаттиқ сирт орқали узатилади. Уларга буф қозонлари, иситгичлар, конденсаторлар ва бошқалар мисол бўлади.

Регенератив иссиқлик алмашинув аппаратларида иссиқлик қаттиқ сиртдан гоҳ иссиқ иссиқлик ташувчи гоҳ совук иссиқлик ташувчи оқиб ўтишида узатилади. Мартен ва домна печларининг ҳаво қиздиргичлари бунга мисол бўлади.

Аралаш иссиқлик алмашинув аппаратларида иссиқ ва совук иссиқлик ташувчининг аралашувида иссиқлик узатилади. ИЭС градирня курилмаси, оқимли конденсаторлар мисол бўлади.

Техникада рекуператив иссиқлик алмашинув аппаратлари кўп ишлатилади. Рекуператив иссиқлик алмашинув аппаратлари суюқликнинг ҳаракатланишига қараб тўғри оқимли (иккала суюқлик бир тарафга йўналса), қарама-карши оқимли (иккала суюқлик бир-бирига қарама-карши тарафга йўналса) ва кўндаланг оқимли (бир-бирини кесиб ўтса) бўлади.

## 1. РЕКУПЕРАТИВ ИССИҚЛИК АЛМАШИНУВ АППАРАТЛАРИНИНГ ИССИҚЛИК ҲИСОБИ. ИССИҚЛИК БАЛАНСИ

Рекуператив иссиқлик алмашинув аппаратларини конструктив иссиқлик ҳисоби иссиқлик алмашинуви F юзасини, унинг асосий конструктив тавсифларини ва жамловчиларни оқилона танлашни аниқлашдан иборат. Иссиқлик ҳисоби иссиқлик баланси ва иссиқлик узатиш тенгламаларининг биргаликдаги ечимида асосланади.

Иссиқлик баланси тенгламаси иссиқ иссиқлик ташувчи билан совук иссиқлик ташувчиларни иссиқлик микдорларининг тенглигини аниқлайди, бунда атроф-мухитга йўқолган иссиқлик микдори кам бўлгани учун ҳисобга олинмайди. Ундан иссиқлик қуввати Qни ҳисоблаш учун ҳамда иссиқлик ташувчиларининг номаълум параметрларини аниқлаш учун фойдаланилади.

Ўзининг агрегат ҳолатини ўзгартирумайдиган иссиқлик ташувчилари бўлган иссиқлик алмашинув аппаратлари учун у қўйидагича ёзилади:

$$Q = G_1(h_1' - h_1'') = G_2(h_2'' - h_2') ; \quad (1)$$

ёки

$$G_1 c_{p1} (t_1' - t_1'') = G_2 c_{p2} (t_2'' - t_2') ;$$

конденсация ҳолати учун

$$G_1 r = G_2 c_{p2} (t_2'' - t_2') , \quad (2)$$

бунда

$Q$  – аппаратнинг иссиқлик унумдорлиги, кВт ;  
 $G_1, G_2$  – иссиқлик ташувчиларнинг массавий сарфи, кг/с;  
 $h_1', h_1'', h_2', h_2''$  – аппаратта киришдаги ва ундан чиқишдаги иссиқлик ташувчиларнинг энталпиялари, кЖ/кг;

$t_1', t_1'', t_2', t_2''$  – аппаратта киришдаги ва ундан чиқишдаги иссиқлик ташувчиларнинг ҳароратлари,  $^{\circ}\text{C}$ ;

$C_{p1}, C_{p2}$  – иссиқлик ташувчиларнинг иссиқлик сифимлари, кЖ/кг·К

$r$  – фазавий ўзгаришнинг иссиқлиги, кЖ/кг.

Иссиқлик узатиш тенгламаси қўйидаги қўринишга эга:

$$Q = k F \Delta \bar{t} , \quad (3)$$

бунда  $k$  – иссиқлик узатиш коэффициенти, кВт/м<sup>2</sup>·К;

$\Delta t$  – иссиқлик ташувчиларнинг орасидаги ўртача ҳароратлар фарқи,  $^{\circ}\text{C}$  ;  
 $F$  – иссиқлик алмашинув юзаси,  $\text{m}^2$ .

Барча ҳисобларни бажариш учун технологик тизимга киритиш чизмаси ва аппаратнинг конструкцияси берилган бўлиши керак. Иссиқлик узатишни ҳисобидан аввал иссиқлик узатувчи юзанинг айрим конструктив ўлчамларини ҳисобга олиш, аниқлаш ва уни жамланишини назарда тутиш керак.

Аппаратнинг асосий конструктив ўлчамларини танлаш иссиқлик ташувчиларнинг сарфига боғлиқ равища 2, 3, 4, 5, 6-жадваллардан олинади.

Дастлаб, қувур ва қувурлар оралиғидаги ўтиш кесимларининг юзаси  $f_i$  қуйидаги тенгламадан ҳисобланади:

$$f_i = \frac{V_i}{W_i}, \quad (4)$$

$$\text{ёки } f_i = \frac{G_i}{\rho_i W_i}. \quad (5)$$

Бунда  $\rho_i$  – иссиқлик ташувчининг зичлиги,  $\text{kg/m}^3$ ;

$W_i$  – иссиқлик ташувчилар оқимининг тезлиги,  $\text{m/s}$ .

Оқимларнинг тавсия этилган оптималь тезликларининг қийматлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Оқимларнинг тавсия этилган оптималь тезликларининг қийматлари

Иссиқлик ташувчи	Тезлик, $\text{m/s}$
Ковушқоғлиги кичик бўлган суюқликлар (сув, бензин, керосин)	0,5÷3
Ковушқоқ суюқликлар (мойлар, тузли эритмалар)	0,2÷1
Чанглатилган газлар $P = 1$ бар	6÷10
Тўйинган сув буғи	30÷50
Ўта қизиган сув буғи	30÷75

Ҳисобларни бажаришда иссиқлик ташувчиларнинг иссиқлик физикавий хоссалари (зичлик  $\rho$ , иссиқлик

ўтказувчанлик  $\lambda$ , иссиқлик сигими  $c_p$ , динамик қовушқоғлиқ  $\mu$  ва бошқалар) иссиқлик ташувчининг тегишли ўртача ҳарорати бўйича жадваллардан олинади.

$$\bar{t}_i = \frac{t_i^I + t_i^{II}}{2}. \quad (6)$$

## 2. ИССИҚЛИК ТАШУВЧИЛАРНИНГ ОРАСИДАГИ ЎРТАЧА ҲАРОРАТЛАР ФАРҚИ

Ўртача ҳароратлар фарқи қўйидаги тенгламага кўра  $\Delta t_{\text{кат}}/\Delta t_{\text{кич}} < 1,5$  (ўртача ҳароратлар билан аниқланади), яъни:

$\Delta \bar{t}_a = \frac{\Delta t_{\text{кат}} + \Delta t_{\text{кич}}}{2}$  ва агар  $\Delta t_{\text{кат}}/\Delta t_{\text{кич}} > 1,5$  бўлса, ўртача логарифмик қиймат билан аниқланади:

$$\Delta t_o = \frac{\Delta t_{\text{кат}} - \Delta t_{\text{кич}}}{\ell n \frac{\Delta t_{\text{кат}}}{\Delta t_{\text{кич}}}}, \quad (7)$$

бунда  $\Delta t_{\text{кат}}$  – иссиқлик ташувчилар орасидаги энг катта ҳароратлар фарқи,  $^{\circ}\text{C}$ ;



$\Delta t_{\text{кич}}$  – иссиқлик ташувчилар орасидаги энг кичик ҳароратлар фарқи,  $^{\circ}\text{C}$  .

$\Delta t_{\text{кат}}$  ва  $\Delta t_{\text{кич}}$  иссиқлик алмашинув юзасидаги иссиқлик ташувчилар ҳароратларининг ўзгариш графигидан иссиқлик ташувчилар сув эквивалентларининг сонли қийматлари (иссиқлик ташувчиларнинг иссиқлик сигимларини массавий сарфларини инобатта олиб) аниқланади.

Конденсаторлар (буғ сувли иссиқлик алмашинувчилари) учун қизитиш юзалари бўйича конденсатланган бүғнинг ҳарорати ўзгармайди (1- расмда бу изотерма пункттир чизиги билан кўрсатилган).

Мураккаб йўналишни иссиқлик алмашинувчилар учун, масалан, кўндаланг оқимли аппаратларда иссиқлик ташувчилар ҳароратларининг ўртача фарқи қарама-қарши оқимлига кўра ҳисобланади, сўнг олинган натижа номограммадан аниқланади

(2- расм), дастлаб Р ва R ҳисобланган қийматларига кўра тузатиш коэффициент  $\varepsilon_{\Delta t}$  га (7) ва (8) кўпайтирилади.



1- расм. Иссиклик алмашинув юзасида иссиқлик ташувчиларнинг ҳароратлар ўзгариш графиги:


а) тўғри оқимли

б) қарама-қарши оқимли

$$\Delta t_{rec} = \Delta t_{t\ddot{y}F} \varepsilon_{\Delta t} \quad (8)$$

$\varepsilon_{\Delta t}$  коэффициентининг қиймати иккита ёрдамчи кўрсаткичларига кўра аниқланади.

$$P = \frac{t_2'' - t_2'}{t_1' - t_2'} ; \quad R = \frac{t_1' - t_2''}{t_2'' - t_2'} ; \quad (9)$$



2- расм.  $\varepsilon_{\Delta t}$  коэффициентини аниқлаш учун номограмма

### 3. АСОСИЙ КОНСТРУКТИВ ЎЛЧАМЛАРНИ ОЛДИНДАН АНИҚЛАШ ВА ИССИҚЛИК УЗАТИШ ЮЗАСИНИНГ ЖАМЛАНИШИ

#### 3.1. СЕКЦИЯЛИ ИСИТГИЧ

Секцияли иситгич ҳар хил қувурли аппаратлар бўлиб, кетма-кет уланган бир неча секциядан иборат. Ҳар бир секциянинг диаметри катта эмас ва у қувурлар тўпламидан ташкил топади. Бу аппаратларнинг иссиқлик узатиш коэффициенти бошқа аппаратларнига кўра юқори бўлади.

3-расмда секцияли иситгичнинг чизмаси кўрсатилган, унинг асосий конструктив ўлчамлари 2-жадвалда келтирилган. Иссиклик алмаштиргич  $d_1/d_2 = 14/16$  мм диаметрли иккита латун қувурларидан йиғилган. Қувур тўпламидаги қувурларнинг жойлашиши нисбий оралиғи  $S = 1,5 \cdot d_2$ .

2- жадвал


Сув-сувли иситгичларнинг асосий конструктив ўлчамлари

Иситгич (3-расм)	Корпус- нинг ички диаметри $d$ , мм.	Қувурлар сони, $n$ , дона	Қувур узунлиги 1, мм.	Секция- нинг юзаси, $F$ , $m^2$
1	83	7	4	1,32
2	100	12	4	2,25
3	150	31	4	5,84
4	203	55	4	10,35
5	252	88	4	16,60
6	309	140	4	25,40

2- жадвалда берилганларига кўра, иситгичнинг асосий конструктив ўлчамларини танлаш учун иссиқ ва совук иссиқлик ташувчиларнинг берилган сарфлар  $G_1$  ва  $G_2$  қийматлари 9-жадвал бўйича олиниб, (4) ва (5) тенгламаларидан иссиқ ва совук иссиқлик ташувчиларнинг оқимлари учун  $f_1$  ва  $f_2$  юзалар ҳисобланади.

Иситгич корпусининг ички диаметри қўйидаги тенгламага кўра аниқланади:

$$D = \sqrt{\frac{4(f_1 + f_2)}{\pi}} , \quad (10)$$



3- расм. Сув-сувли иситгич

ва 2- жадвалдан стандартли ўхшаш аппарат танланади. Иссиклик алмашиниши юзаларининг ҳақиқий қийматлари аниқланади:

а) қувурли юза учун

$$f_k = n \frac{\pi d_1^2}{4} \quad (11)$$

б) қувурлараро юза учун

$$f_{k,a} = \frac{\pi}{4} (D^2 - nd_2^2) \quad (12)$$

Сўнгра (4) ва (5) тенгламалардан оқимлар тезликларининг қийматлари  $w_i$  аниқланади.

Юкорида келтирилган иссиқлик алмашинув аппаратида қувурлараро юза учун эквивалент диаметри қўйидаги тенгламага кўра аниқланади:

$$d_{ekb} = \frac{4S_1S_2}{\pi d_2} - d_2, \quad (13)$$

бунда  $S_1 = S_2 = S$  – иккита қўшни қувур орасидаги қадам, (м) деб қабул қилинади.


Қувур тахтасининг мустаҳкамлигини сакланиш шартига кўра  $S$  (м) танланади:

$$S = (1,3+1,5) d_2$$

### 3.2. «ҚУВУР ҚУВУРДА» ИСИТГИЧИ

«Қувур қувурда» иситгичи секцияли иситгичнинг бир тури бўлиб, қувур ичига қувур диаметрига нисбатан кичик диаметрли қувур жойлаштирилади.

«Қувур қувурда» иситгичининг чизмаси 4-расмда кўрсатилган, унинг асосий конструктив ўлчамлари эса 3-жадвалда берилган.



4- расм. «Қувур қувурда» иситгичи

3- жадвал.

«Қувур қувурда» турдаги иссиқлик алмашинув аппаратларининг асосий конструктив ўлчамлари

Аппарат тури	Ташки қувурлар диаметри ва девор қалинлиги, $D_2+b$ , мм.	Ички қувурларнинг ташки диаметри, девор қалинлиги, $d_2+b$ , мм	Қувур узунлиги $\ell$ , мм
TT38	76x4	38x2,5	3000
TT38	76x4	38x2,5	6000
TT76	108x4	76x4	3000
TT76	108x4	76x4	6000

3-жадвалдан стандарт иссиқлик алмаштиргични танлангандан кейин, иссиқлик алмаштиргичнинг битта секцияни иссиқлик алманишув юзаси қуйидаги тенгламага кўра ҳисобланади:

иссиқ иссиқлик ташувчи учун

$$f_{1\text{секц.}} = \frac{\pi}{4}(D_1^2 - d_2^2), \quad \text{бунда } D_1 = D_2 - 26; \quad (14)$$

совук иссиқлик ташувчи учун

$$f_{2\text{секц.}} = \frac{\pi d_1^2}{4}, \quad \text{бунда } d_1 = d_2 - 26; \quad (15)$$

1-жадвалда келтирилган аппаратдаги иссиқлик ташувчиларнинг оптималь тезлигини сақлаб туриш шарти иссиқлик ташувчиларнинг оқиб ўтувчи кўндаланг кесим юзаси f (4) ва (5) ифодалардан ҳисобланади. Параллел уланган секцияларнинг сони қуйидаги тенгламадан аниқланади:

$$Z_1 = \frac{f_1}{f_{\text{секц.}}} \quad (16)$$


Халқали каналнинг эквивалентли диаметри:

$$d_{\text{экв.}} = D_1 - d_2 . \quad (17)$$

### 3.3. СЕГМЕНТ ТЎСИҚҚА ЭГА БЎЛГАН ҚУВУР ҚОПЛАМЛИ ИССИҚЛИК АЛМАШИНУВ АППАРАТЛАРИ

Қувур қопламали иссиқлик алмашинув аппарати қувурлар панжара ёрдамида маҳкамланган ва қопламалар билан чекланган қувурлар тўпламидан иборат. Қувур ва қувурлар орасидаги майдонда тўсиқлар билан бир неча йўллар ҳосил қилиш мумкин. Тўсиқлар иссиқлик ташувчининг тезлигини ва иссиқлик бериш коэффициентини орттиради. Бундай аппаратлар иссиқлик алмашинув юзаси катта бўлган ҳолларда кўлланилади. Бу аппаратларда исувчи суюқлик қувурларда, буг эса қувурлар оралиғи майдонига берилади.

Сувли қувур қопламали иссиқлик алмашинув аппаратининг чизмаси 5- расмда, унинг асосий конструктив тавсифлари эса 4- жадвалда келтирилган.



5- расм. Икки йўллик қувур қопламали иссиқлик алмашинув аппарати

1- корпус; 2- оқиб ўтиш камераси; 3- тўсиқлар.

Қувур қопламали иссиқлик алмашув аппаратларининг конструктив ўлчамларини танлаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

иссиқлик ташувчиларнинг сарфи бўйича қувурларнинг умумий сони қуйидагича аниқланади:

$$n = \frac{4G_2}{w_2 \rho_2 \pi d_1^2}, \quad \text{бунда } d_1 = d_2 - 26 \quad (18)$$

Иссиқлик ташувчининг тезлиги  $w_2$  1- жадвалдан олинади.

Ҳисобланган қувурлар сони нинг қиймати бўйича, 4-жадвалдан иссиқлик алмашинув аппарати ва унинг конструктив ўлчамлари танланади, бу қувурлараро юзада иссиқлик ташувчиларнинг тезлигини ҳисоблашда зарурдир.

Тўсиқсиз иссиқлик алмашинув аппаратининг қувурлараро ўтиш кесимининг юзаси қуйидаги тенгламадан аниқланади:

$$f_k = \frac{\pi}{4}(D_1^2 - nd_2^2). \quad (19)$$

Тўсиқ ўрнатилганда қувурлараро ўтиш кесимининг торайиши кузатилади. Қувурлараро ўтиш кесимининг торайишини ҳисобга оловчи коэффициент:

**4- жадвал**  
**Кувур қопламали иссиқлик алмашиниш аппарати асосий конструктив ўлчамлари**

N <sub>o</sub> N <sub>o</sub>	Корпушнинг ичи диаметри D, мм	Кувурниң ташки диаметри ва девор калинлиги, d <sub>2</sub> +6, мм	Кувур узунлиги l, мм	Тўсиклар орасидаги масофа, l <sub>T</sub> , мм	Тўсиклар сони, m, дона	Ўтиш жойлар сони Z	Кувурлар сони n
1	2	3	4	5	6	7	8
1	159	20x2	1000 1500 2000 3000	100	6 6 10 14	1	19
2							
3							
4							
5	159	25x2	1000 1500 2000 3000	100	6 10 14 26	1	13
6							
7							
8							
9	273	20x2	1000 1500 2000 3000	130	4 8 12 20	1	61
10							
11							
12							
13	2	3	4	5	6	7	8
14	273	25x2	1000 1500 2000 3000	130	4 8 12 20	1	42
15							
16							
17	325	20x2	1500 2000 3000 4000	180	6 8 14 18	1	91
18							
19							
20							
21	325	25x2	1500 2000 3000 4000	180	6 8 14 18	1	61
22							
23							
24							
25	325	20x2	1500 2000 3000 4000	180	6 8 14 18	2	80
26							
27							
28							
29	325	25x2	1500 2000 3000 4000	180	6 8 14 18	2	52
30							
31							
32							

$$\varphi = \frac{1 - \frac{d_2}{s}}{1 - 0,9(\frac{d_2}{s})^2}, \quad (20)$$

бунда  $s = (1,3 \div 1,6)$ ,  $d_2$  – қувурлар орасидаги қадам, м.

Бу ҳолда иссиқлик ташувчининг оқиб ўтиш йулининг эквивалентли узунлиги қуидагича аниқланади:

$$l_{\text{экв}} = l_e + D_1 \cdot L / 3 \cdot b, \text{ м}, \quad (21)$$

бунда  $b = (0,2 \div 0,4)D_1$  – тўсиқ ойнасининг баландлиги.

Тўсиқ ўрнатилганда қувурлараро ўтиш кесимининг келтирилган юзаси қуидагича аниқланади:

$$f_{\mu}^1 = \frac{f_{\mu T} l_c \varphi}{L_{\text{экв}}}, \text{ м}^2 \quad (22)$$

Қувурлараро юзадаги иссиқлик ташувчининг тезлиги

$$W_1 = \frac{G_1}{\rho_1 f_{\mu T}}, \text{ м/с} \quad (23)$$


Тақдим этилган усул билан ҳисобланган  $W$  қиймати, 1-жадвалда берилган оптималь тезлигидан фарқ қилиши мумкин, унда (23) тенгламадан ҳисобланган қийматдан кейинчалик фойдаланилади.

### 3.4. БУФ-СУВЛИ ИСИТГИЧ

Буф-сувли иситгич конденсат йўқолишини камайтириш ва тўлдириш учун кенг ишлатилади. Конденсатни сақлаб қолган ҳолда буф-сувли иситгич юқори босимли иситувчи буғда кичик босимли буғ олинади.

Диаметлари  $d_1/d_2=16/20$  мм бўлган пўлат қувурлардан ташкил топган горизонтал жойлашган буф-сувли иситгичнинг чизмаси 6- расмда келтирилган, унинг ўлчамлари эса 5-жадвалдан олинади. Сув оқиб ўтиш кесимининг юзаси бўйича иссиқлик алмашинув аппаратлари танланади, у 1-жадвалнинг

күрсаткичлари хисобга олинган ҳолда (4) ва (5) тенгламаларига кўра хисобланади.



6- расм. Буг-сувли иситгич  
а) Икки йўллик      б) Тўрт йўллик

5- жадвал  
Буг-сувли иситгичларнинг конструктив ўлчамлари


Иситгич №	Кувурлар сони ва узунлиги	Сув оқиб ўтиши кесимининг майдони, $f_2, \text{м}^2$		Корпуснинг ички диаметри D, мм
		4-йулда	2-йулда	
1	2	3	4	5
1	32x900	0,0012	0,0024	219
2	32x1200			
3	32x1600			
4	32x2000			
5	32x2400			
6	56x1200	0,0022	0,0044	265
7	56x1600			
8	56x2000			
9	56x2400			
10	172x900	0,0067	0,0134	414
11	172x1200			
12	172x1600			
13	172x2400			

### 3.5. ҚУВУРЛИ ҲАВО ИСИТГИЧ

Кувурли ҳаво қиздиргичда газ ва ҳаво ҳаракатланиб, у қувурлар тўпламидан ва пакетлардан иборат бўлади.

Газ ҳаво қувурли ҳаво иситгичининг чизмаси 7-расмда келтирилган, унинг конструктив ўлчамлари эса 6-жадвалда берилган.

Кувурлар пўлатдан ишланган, унинг диаметрлари  $d_1/d_2=37/40$  мм.



7-расм. Кувурли иситгичнинг пакети

Ҳаво иситгичлар турининг танланиши газларнинг оқиши кесимига кўра бажарилади, у 1-жадвалда баён қилинган тезликни танлаш учун тавсияларни инобатга олган ҳолда (4) ва (5) тенгламалар орқали хисобланади.

Кувурли ҳаво иситгични ҳисоблашда газ ва қувур юзаси орасидаги нурланиш йўли билан иссиқлик алмашинувини инобатга олиш зарур. Бу ҳисоблаш услуби 5.4 бўлимда (33) – (40) тенгламаларида баён қилинган.

6- жадвал

Кувурли ҳаво иситгичларнинг конструктив ўлчамлари

Катталиклар номи	Ҳаво иситгичлар					
	I		II		III	
	A	B	A	B	A	B
Пакетлар сони	2	2	1	1	1	1
Йўллар сони	2	2	2	2	2	1
Ҳаво бўйича Газ бўйича:	2	2	1	1	1	1
Кувурлар со-ни, дона	378	610	508	653	1349	1312
Газлар ўтиши учун кесим, м <sup>2</sup>	0,203	0,326	0,545	0,648	1,54	1,41
Пакетнинг узунлиги, м	1,390	1,390	1,080	1,080	1,820	1,820
Пакетнинг эни, м.	1,170	1,652	1,300	1,600	1,260	1,260

#### 4. ИССИҚЛИК УЗАТИШ КОЭФФИЦИЕНТИНИ ҲИСОБЛАШ

Кувурли иссиқлик алмашинув аппаратларида диаметрлар нисбати  $d_2/d_1 < 1,4$  бўлган ҳолати учун иссиқлик узатиш коэффициенти ясси девор учун қуйидаги тенгламалар ёрдамида ҳисобланади :

$$K = \frac{1}{\frac{1}{\alpha_1} + \frac{\delta_c}{\lambda_c} + \frac{1}{\alpha_2} + R}, \text{ Вт}/\text{м}^2\cdot\text{К} \quad (24)$$

бунда  $\alpha_1$ ,  $\alpha_2$  – иссиқ ва совук иссиқлик ташувчиларнинг иссиқлик бериш коэффициенти,  $\text{Вт}/\text{м}^2 \cdot \text{К}$ ;  
 $\delta_d$  – кувур деворининг қалинлиги, м;  
 $\lambda_d$  – кувур материалининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти,  $\text{Вт}/\text{м}^2 \cdot \text{К}$ ;

R – термик қаршилик,  $\text{Ом}/\text{кВт}$ .

Иссиқлик бериш сиртининг ҳар икки тарафидаги термик қаршиликлари R 7-жадвалдан олинади,

$$\lambda_{пўлат} = 50 \text{ Вт}/\text{м}\cdot\text{К}; \quad \lambda_{латун} = 100 \text{ Вт}/\text{м}\cdot\text{К}.$$

7- жадвал

Иссиқлик алмашинув аппаратларининг қувурларидағи турли зарарли моддаларнинг термик қаршиликлари

Иссиқлик ташувчилар ва зарарли моддалар	$R \cdot 10^4, \text{ м}^2\cdot\text{К}/\text{Вт}$
Сув буғлари суюқликлар:	9
арик суви	1,7 ÷ 3,5
айланма сув	1,8 ÷ 2,3
денгиз суви	2,1 ÷ 5,3
Органик суюқликлар мойлар	
қаттиқ модда кўрнишидаги зарарли моддалар	3,5
қатлам	3,3
занг	5,0
гипс	8,3
оҳак	4,2

#### 4.1. МАЖБУРИЙ КОНВЕКЦИЯДАГИ ЎРТАЧА ИССИҚЛИК БЕРИШ КОЭФФИЦИЕНТЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ

Иссиқлик ташувчиларнинг мажбурий конвекциядаги иссиқлик бериш коэффициентини ҳисоби мезонли тенгламага кўра бажарилади:

Суюқлик оқимининг ҳолати ламинар ёки турбулент эканлиги  $Re$  сони билан аниқланади.

$$Re = \frac{wd_0}{\gamma} \quad (25)$$

$Re_{kp} < 2300$  - ламинар оқим ҳолати

1) Қувур бўйлаб суюқликнинг ламинар оқимида иссиқлик алмашинуви

а) қовушқоқ ҳолатида ( $Ra=Gr \cdot Pr < 3 \cdot 10^5$ ,  $Re < Re_{kp}$ )

$$\overline{Nu} = 1,55 \left( \frac{1}{Pe} \frac{\ell}{d} \right)^{-\frac{1}{3}} \left( \frac{\mu_c}{\mu_k} \right)^{-0,14} \quad (26)$$

б) қовушқоқ-гравитацион ҳолатида

$$(Re_{kp}=2300+1740 \ell n(1+10^{-5}Ra)) \quad (27)$$

(26) ифода  $Ra \leq 10^8$ ;  $0,6 < Pr \leq 10$  да тўғри бўлади.

$Re = 10^8$  да  $Re_{kp}=14300$  бўлади.

$$Gr_k = \frac{1,1 \cdot 10^3}{Pr \cdot Nu_h [1 - \exp(-100X)]^3} \quad (28)$$

X – келтирилган координата

$$X = \frac{x}{Pe \cdot d}$$

$$Pe = Re \cdot Pr$$

Иссиқлик ташувчини совитишида

$$\overline{Nu} = 4,36 \left[ 1 + \frac{Gr \cdot Pr}{1,8 \cdot 10^4} \right]^{0,045} \quad (29)$$

(4) ифода  $50 < Re < Re_{kp} \leq 4 \cdot 10^7$ ;

$$Gr \cdot Pr < 4 \cdot 10^7$$

$0,6 < Pr \leq 10$  да тўғри бўлади.

2) Қувур бўйлаб суюқликнинг турбулент ҳаракатида иссиқлик алмашинуви

а) М.А.Михеев ифодаси

$$Nu = 0,021 Re^{0,8} Pr_c^{0,43} \left( \frac{Pr_c}{Pr_\delta} \right)^{0,25}, \quad (30)$$

(30) ифода  $10^4 < Re < 10^5$  да тўғри бўлади.

б) Б.С.Петухов ифодаси

$$Nu = \frac{\xi}{8} Re \cdot Pr \frac{1}{1 + \frac{900}{Re} + 12,7 \sqrt{\frac{\xi}{8}} \left( \frac{Pr}{8} - 1 \right)}, \quad (31)$$

Бу ерда  $\xi=0,79 \ell n \frac{Re}{8}$  - ишқаланиш коэффициенти

(31) ифода  $0,5 < Pr \leq 200$  ва  $4 \cdot 10^3 < Re < 10 \cdot 10^6$  да тўғри бўлади.

3) Айлана канал бўйлаб турбулент ҳаракатда иссиқлик алмашинуви

$$Nu = 0,017 Re^{0,8} Pr_c^{0,4} \left( \frac{d_2}{d_1} \right)^{0,8} \left( \frac{Pr_c}{Pr_\delta} \right)^{0,25}, \quad (32)$$

(32) ифода  $1,2 \leq \frac{d_2}{d_1} \leq 14$ ,  $0,7 < P_2 \leq 100$ ,

$d_2 = d_2 - d_1$  аниқловчи ўлчамда тўғри бўлади.

4) Қувурлар тўпламида суюқликнинг иссиқлик бериши а) коридорли тўплам учун

$$Nu = 0,27 Re^{0,63} Pr^{0,36} \left( \frac{Pr_c}{Pr_\delta} \right)^{0,25} \cdot \varepsilon_i \cdot \varepsilon_s, \quad (33)$$

$$\varepsilon_s = \left( \frac{S_2}{d} \right)^{-0,15}$$

б) шахматли тўплам учун

$S_1/S_2 < 2$  бўлганда:

$$Nu = 0,35 \left( \frac{S_1}{S_2} \right)^{0,2} Re^{0,6} Pr^{0,36} \left( \frac{Pr_c}{Pr_\delta} \right)^{0,25} \cdot \varepsilon_i \cdot \varepsilon_s, \quad (34)$$

$$\varepsilon_s = \left( \frac{S_2}{d} \right)^{\frac{1}{6}}$$

$S_1/S_2 > 2$  бўлганда:

$$Nu = 0,4 Re^{0,6} Pr^{0,36} \left( \frac{Pr_c}{Pr_\delta} \right)^{0,25}, \quad (35)$$

$$\varepsilon_s = 1,12$$

(33-35) ифодалар  $10^3 < Re < 2 \cdot 10^5$  бўлганда тегишли бўлади.

5) қувурлар тўплами бўйланма оқимда турбулент оқим ҳолатида  $Re_{d_{\text{окб}}} > 4 \cdot 10^5$

$$Nu = 0,34 Re^{0.6} Pr^{0.33} \left( \frac{Pr_c}{Pr_\delta} \right)^{0.25}, \quad (36)$$

6) Қувурлар оралиғидаги бўшлик:  
( тўсиқлар бўлганда кўндаланг оқим )  
(турбулент оқим  $Re > 1000$ )

$$Nu = 0,24 Re^{0.6} Pr^{0.36} \left( \frac{Pr_c}{Pr_\delta} \right)^{0.25}, \quad (37)$$

7) Горизонтал қувурда конденсациясида:

$$\bar{\alpha} = 0,693 \sqrt[4]{\frac{\lambda_c^3 (\rho_c - \rho_n) g r}{\nu_c (T_{\text{түй}} - T_\delta) d}}, \quad \text{Вт/м}^2 \text{ град.} \quad (38)$$

## 4.2. ИССИҚЛИК УЗАТИШ СИРТЛАРИДАГИ ҲАРОРАТЛАРНИ ҲИСОБЛАШ

Иссиқлик бериш коэффициентларини ҳисоблашда иссиқлик узатиш сиртларидағи  $t_{\delta 1}$  иссиқлик ташувчилари ҳароратлари ва  $t_{\delta 2}$  – совук иссиқлик ташувчи ҳароратини билиш керак. Одатга кўра, бу ҳароратлар номаълум  $t_{\delta 1}$  ва  $t_{\delta 2}$  ҳароратларини аниқлаш учун тахминий кетма-кетлик усулидан фойдаланилади.  $\bar{\alpha}$  ҳисоблашдан аввал  $t_{\delta 1}$  ва  $t_{\delta 2}$  ҳароратларининг дастлабки қийматлари қабул килинади. Уларнинг тахминий қийматларини аниқлашда қуйидаги тенгламалар тавсия этилади:

$$t_{\delta 1} = t_1 - 10,^0 C \quad (39)$$

$$t_{\delta 2} = t_2 + 10,^0 C \quad (40)$$

бунда  $\bar{t}_1$  ва  $\bar{t}_2$  – (6) тенгламага кўра ҳисобланади.

Сўнгра иссиқлик бериш коэффициентлари  $\bar{\alpha}_1$  ва  $\bar{\alpha}_2$  ни ҳисоблагандан кейин  $t_{\delta 1}$  ва  $t_{\delta 2}$  ҳароратлар қийматини аниқлаш зарур.

Бунинг учун иссиқ оқимнинг зичлиги аниқланади:

$$q = K \bar{\Delta}t, \quad \text{Вт/м}^2$$

ва  $t_{c1}$  ва  $t_{c2}$  аниқланган қийматлари ҳисобланади.

$$t_{\delta 1} = \bar{t}_1 - \frac{q}{\bar{\alpha}_1},^0 C \quad (41)$$

$$t_{\delta 2} = \bar{t}_2 - \frac{q}{\bar{\alpha}_2},^0 C \quad (42)$$

Агарда  $t_{c1}$  ва  $t_{c2}$  ҳароратлар (41) ва (42) тенгламаларга кўра ҳисобланганда дастлабки (39) ва (40) тенгламалар бўйича  $1^0 C$  га фарқ қиласа  $\bar{\alpha}_1$  ва  $\bar{\alpha}_2$  ларни ҳисоби қайтарилади, бунда  $t_{\delta 1}$  ва  $t_{\delta 2}$  янги қиймати сифатида (41) ва (42) тенгламаларига кўра ҳисобланган қийматларини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади ва қуйидаги шартни бажарилишигача қайтарилади:

$$\left| t_{c1}^{\delta ep} - t_{c1}^{xuc} \right| \langle 1^0 C \text{ ва } \left| t_{c2}^{\delta ep} - t_{c2}^{xuc} \right| \langle 1^0 C . \quad (43)$$

## 4.3. МУРАККАБ ИССИҚЛИК АЛМАШИНУВИДА ЎРТАЧА ИССИҚЛИК БЕРИШ КОЭФФИЦИЕНТЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ

Қувурли ҳаво иситгичларнинг ҳисобини бажаришда газ ва қувур юзаси орасида нурланиш йўли билан иссиқлик алмашинувини инобатта олиш зарур. Бу ҳолда газдан қувур юзасига умумий иссиқлик бериш коэффициент  $\alpha_0$  қўйдагига тенг:

$$\alpha_0 = \alpha_k + \alpha_{hyp} \quad (44)$$

бунда  $\alpha_{hyp}$  – нурланиш йўли билан узатилган иссиқлик улушини инобатга олади ва қуидагича аниқланади.

$$\alpha_{hyp} = \frac{q_{hyp}}{T_e - T_c} \quad (45)$$

Нурланиш йўли билан берилган солиштирма иссиқлик оқими:

$$q_{hyp} = \varepsilon_{kelt} C_0 \left[ \left( \frac{T_e}{100} \right)^4 - \left( \frac{T_c}{100} \right)^4 \right] \quad (46)$$

Иссиқлик алмашинув аппаратининг келтирилган қоралик даражаси:

$$\varepsilon_{kelt} = \frac{\varepsilon_r \varepsilon_c}{\varepsilon_c + \varepsilon_r (1 - \varepsilon_c)} \quad , \quad (47)$$

$\bar{t}_r$  даги тутун газларининг қоралик даражаси

$$\varepsilon_r = \varepsilon_{H_2O} + \varepsilon_{CO_2} - \Delta\varepsilon \quad , \quad (48)$$

$\bar{t}_c$  даги тутун газларининг қоралик даражаси

$$\varepsilon_g = \varepsilon_{H_2O}^c + \varepsilon_{CO_2}^c - \Delta\varepsilon \quad , \quad (49)$$

Иссиқлик алмашинувчи қувурлар деворларининг ўртача ҳарорати

$$\bar{t}_c = \frac{t_{c1} + t_{c2}}{2} \quad (50)$$

$\varepsilon_{H_2O}, \varepsilon_{CO_2}, \varepsilon_{H_2O}^c, \varepsilon_{CO_2}^c$  – қоралик даражаларининг қийматларини 8- ва 9- расмлардаги номограммаларга асосланиб, газнинг  $\bar{t}_r$  ва қувурлар деворларининг  $\bar{t}_c$  ҳароратларига асосланиб аниқланади.  $\Delta\varepsilon$  нолга teng деб қабул қилинган.

Номограммалардан фойдаланилганда 9- ва 10-расмларга қуидаги тенгламадан аниқланадиган нур йўлининг узунлигини билиш зарур.

$$L = 0,9 \frac{4V}{F} \quad (51)$$

бунда V – иссиқлик алмашинув аппаратининг қувурлараро юзасининг ҳажми,  $m^3$ ;

F – иссиқлик алмашинувчи қувурлар юзасининг йифиндиши,  $m^2$ .

Ўртача таркибли тутун газлари учун парциал босимларни  $P_{H_2O} = 0,011 \text{ МПа}$  ва  $P_{CO_2} = 0,012 \text{ МПа}$  га тенг деб қабул қилиш лозим.

#### 4.4. ИССИҚЛИК АЛМАШИНУВ АППАРАТЛАРИ АСОСИЙ КОНСТРУКТИВ ЎЛЧАМЛАРИНИНГ ҲИСОБИ

Иссиқлик алмашинув F юзаси қуидаги тенгламадан аниқланади:

$$F = \frac{Q}{K \Delta t_c} \quad , \quad m^2 \quad , \quad (52)$$

бунда иссиқлик узатиш коэффициенти K,  $t_{c1}, t_{c2}$  охирги ҳароратлар ҳисобланган натижага кўра қабул қилинади (4.3-банди). Ҳосил қилинган қиймат F битта секциянинг ҳақиқий юзаси  $F_{секу}$  билан солиштирилади.

$$F_{секу} = \pi \cdot \Delta_{урт} \cdot l \cdot n \quad , \quad m^2 \quad (53)$$

Агар F > F<sub>секу</sub> бўлса, унда секциялар сони Z аниқланади.

$$Z = \frac{F}{F_{секу}} \quad . \quad (54)$$

Агар аппарат битта секциядан иборат бўлса, унда унинг узунлиги қуидаги тенгламага кўра аниқланади.

$$l = \frac{F}{\pi \cdot d_{урт} \cdot n} \quad , \quad м \quad (55)$$

қувурнинг ўртача диаметри

$$d_{ypm} = \frac{d_1 + d_2}{2}, \text{м} . \quad (56)$$

Иссиқлик ташувчилар бериладиган ёки олиб кетиладиган құвурчаларнинг ўртаса диаметрини қуйидаги tenglamaga күра хисобланади:

$$D_i = \sqrt{\frac{4G_i}{\rho_i w_i \pi}}, \text{ м}^2 \quad (57)$$

бунда  $G_i$  – сарф, кг/с;  $\rho_i$  – зичлик, кг/м<sup>3</sup>;  $w_i$  – хисобланган құвурча орқали ўтадиган иссиқлик ташувчи оқимининг тезлиги, м/с (1-жадвал).

## 5. ИССИҚЛИК АЛМАШИНУВ АППАРАТЛАРИННИГ ГИДРАВЛИК ХИСОБИ

Насос ёки вентиляторнинг қувватини аниқлаш мақсадида, энг аввал совуқ ёки иссиқ иссиқлик ташувчиларни ҳаракатланиши учун зарур бўлган аппаратнинг гидравлик қаршилиги  $\Delta\rho$  ни аниқлаш лозим:

$$\Delta\rho = \Sigma\Delta\rho_{uuk} + \Sigma\Delta\rho_m + \Sigma\Delta\rho_T + \Sigma\Delta\rho_{cyp}, \quad (58)$$

бунда  $\Sigma\Delta\rho_{uuk}$  – ишқаланишда босим йўқотишларининг йифиндиси, Па;

$\Sigma\Delta\rho_m$  – маҳаллий қаршилиқда босим йўқотишларининг йифиндиси, Па;

$\Sigma\Delta\rho_T$  – оқим тезланишида босим йўқотишларининг йифиндиси, Па;

$\Sigma\Delta\rho_{cyp}$  – ўзининг сурилишини енгишида босим йўқотишларининг йифиндиси, Па;

Ишқаланишда босим йўқотишлари қуйидаги tenglamaga кўра хисобланади:

$$\Sigma\Delta P_{uuk} = \xi_{uuk} \frac{l}{d_{ekb}} \frac{\rho\omega^2}{\eta}, \text{ Па} \quad (59)$$

бунда  $\ell$  – каналнинг тўлиқ узунлиги, м;  $d_{ekb}$  – каналнинг эквивалент диаметри, м;  $\xi_{uuk}$  – ишқаланишнинг гидравлик қаршилик коэффициенти.

$\ell > 30d$  гача бўлган каналлар учун қовушқоклиги изотермик бўлмаган оқимда  $\rho$  ва  $w$  каналдаги газ ёки суюқликнинг ўртаса зичлиги, кг/м<sup>3</sup> ва ўртаса тезлиги м/с;  $\xi$  – ишқаланиш қаршилик коэффициенти ўзгармайди.

Ишқаланиш қаршилик коэффициенти оқимнинг ҳаракатланиш тартибига боғлиқ ва шунинг учун у ламинар ва турбулент оқимларида ҳар хил аниқланади.

Ламинарли изотермик бўлмаган ҳаракатланишда ( $Re < 2300$ )

$$\xi = \xi_{iz}(\mu_c/\mu_l)^n, \quad (60)$$

бунда изотермик оқимдаги ишқаланиш қаршилиги коэффициенти

$$\xi = \frac{1}{(1,82 \lg Re_c - 1,64)^2}, \quad (61)$$

бу ерда

$$n = c \left( Re_l Pr_l \frac{d}{l} \right)^{-m} \cdot \left( \frac{\mu_c}{\mu_l} \right)^{-0,062}, \quad (62)$$

$$c=2,3 \text{ ва } m=0,3 \quad 60 < Re_l Pr_l \frac{d}{l} < 1500 \text{ да}$$

$$c=0,535 \text{ ва } m=0,1 \quad 1500 < Re_l Pr_l \frac{d}{l} < 3 \cdot 10^4 \text{ да}$$

$Re_l$  ва  $Pr_l$  қийматлари эквивалентли диаметр бўйича хисобланади ва физик параметрлар каналга киришдаги ҳароратга тегишилдири, қовушқоклик  $\mu_o$  ва  $\mu_l$  коэффициентлари эса деворнинг ҳароратларига ва оқимнинг ҳароратига тааллуклидир.

Турбулент изотермик бўлмаган ҳаракатланишда  $\xi$  (49) ва (50) тенгламалар орқали аниқланади, фақат  $(\mu_c / \mu_l)^n$  ўрнига  $(Pr_c / Pr_c)^{1/3}$  кўйилади. Бунда  $Pr_c$  суюқликнинг ўртача ҳароратига тегишилдири.

Кувурлар тўпламининг кўндаланг ювилишида ҳаракатланиш тартиби турбулентли деб қабул қилинган ва бу ҳолда кувурларнинг шахматли тўплами учун:

$$\frac{S_1}{d} < \frac{S_2}{d} \text{ да } \xi = (4 \div 6,6 \cdot n) Re^{-0.28} \cdot Z; \quad (63)$$

$$\frac{S_1}{d} > \frac{S_2}{d} \text{ да } \xi = (5 \div 3,4 \cdot n) Re^{-0.23} \cdot Z; \quad (64)$$

Йўлакли тўпламлар учун:

$$\xi = (6 \div 9n) \left( \frac{S_2}{d} \right)^{-0.23} Re^{-0.26} \cdot Z; \quad (65)$$

бунда:  $n$  - оқим йўналиши бўйича тўпламлардаги қаторлар сони;  
 $Z$  - қувурлараро юзадаги йўллар сони.

Маҳаллий қаршиликда босим йўқотишлари қўйидаги тенгламага кўра ҳисобланади.

$$\Delta P_{\max} = \sum \xi_{\max} \frac{\rho W^2}{2} \cdot n \cdot a, \quad (66)$$

бунда  $\xi_{\max}$  - маҳаллий қаршилик коэффициенти.

Маҳаллий қаршилик коэффициентлари қиймати  $\xi_{\max} 10$ -жадвалда келтирилган.

Каналларнинг доимий кесимида иссиқлик ташувчининг ҳажми ўзгариши туфайли, оқимнинг тезланиши билан келиб чиқсан босим йўқотишлари қўйидаги тенглама орқали ҳисобланади.

$$\Delta P_Y = \rho_2 W_2^2 - \rho_1 W_1^2, \text{ Па} \quad (67)$$

бунда  $W_1 \rho_1$ ,  $W_2 \rho_2$  - оқимнинг кириш ва чиқиш кесимларидаги иссиқлик ташувчиларнинг тезлклари ва зичликлари

Томчили суюқликлар учун  $\Delta Py$  кичик ва уни инобатга олмаса ҳам бўлади.

Ўзининг сўрилишини ёнгишда босим йўқотишлари аппарат атроф-муҳит билан алоқаси бор ҳоллардагина ҳисобга олинади. Берилган топшириқларда  $\Delta Py$  йўқ

(47) тенглама ёрдамида аппаратнинг тўлиқ гидравлик қаршилиги аниқлангандан кейин, ҳар қандай иссиқлик ташувчининг ҳаракатланишдаги зарур бўлган насос ва вентиляторларнинг қуввати ҳисобланади:

$$N_i = \frac{V_i \Delta P}{\eta_i} = \frac{G_i \Delta P}{\rho_i r_i} 10^{-3}, \text{ кВт}, \quad (68)$$

бунда:  $V_i$  - иссиқлик ташувчининг ҳажмий сарфи,  $m^3/0C$ ;

$G_i$  - иссиқлик ташувчининг массавий сарфи,  $kg/c$ ;

$\Delta P$  - гидравлик қаршилиги, Па;

$\rho_i$  - керакли иссиқлик ташувчининг зичлиги,  $kg/m^3$ ;

$\eta_i = 0,6 + 0,7$  - насос ёки вентиляторнинг ФИКи.

**6. ИССИҚЛИК АЛМАШИНУВ АППАРАТЛАРИНИ ХИСОБЛАШ УЧУН БОШЛАНГИЧ МАЪЛУМОТЛАР ВАРИАНТИ**  
9-жадвал

**6.1. Секцияли иситгичлар**

Вариант №	Иссиқлик ташувчилар		Иссиқлик ташувчиларнинг сарфи, кг/с		Иссиқлик ташувчиларнинг ҳароратлари		
	Иссиқ	Совук	Иссиқ	Совук	$t_1^/, ^0C$	$t_1^{//}, ^0C$	$t_2^/, ^0C$
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Сув	Сув	1,6	1,3	160	100	20
2	Сув	Сув	1,8	5,2	180	80	40
3	AMT-300 мойи	Сув	3,5	1,7	110	60	10
4	Трансформатор мойи	Сув	4,5	6,6	115	40	15
5	Сув	Сув	6,0	7,3	180	100	
6	MC-20 мойи	Сув	0,95	1,2	130	60	10
7	Трансформатор мойи	Сув	2,0	2,4	130	55	15
8	Сув	Сув	1,5	3,3	120	45	15
9	Сув	Сув	3,3	5,3	140	90	35
10	AMT-300 мойи		4,0	5,0	140	65	10

**6.2. Кувур-кувурда**

Вариант №	Иссиқлик ташувчилар		Иссиқлик ташувчи-ларнинг сарфи, G, кг/с		Иссиқлик ташувчиларнинг ҳароратлари		
	Иссиқ	Совук	Иссиқ	Совук	$t_1^/, ^0C$	$t_2^/, ^0C$	$t_2^{//}, ^0C$
1	2	3	4	5	6	7	8
11	Сув	Сув	1,1	0,8	185	25	95
12	Трансфор-матор мойи	Сув	2,8	1,4	140	10	90

13	2 АМТ-300 мойи	3 Сув Сув Сув Сув	4 2,3 2,5 0,8 3,3	5 1,0 2,4 1,2 0,9	6 125 145 160 115	7 40 20 30 20	8 95 65 80 65
14	Сув						
15	Сув						
16	Трансфор-матор мойи						
17	Мой MC-20 мойи	Сув	2,0	2,9	130	20	65

**6.3. Кувур қопламали иссиқлик алмашинув аппарати (сегментли түсиқлар билан)**

Вариант №	Иссиқлик ташувчилар		Иссиқлик ташувчи-ларнинг сарфи, G, кг/с		Иссиқлик ташувчиларнинг ҳарорати		
	Иссиқ	Совук	Иссиқ	Совук	$t_1^/, ^0C$	$t_2^/, ^0C$	$t_2^{//}, ^0C$
18	Сув	Сув	4,5	3,5	140	5	90
19	Трансфор-матор мойи	Сув	2,5	3,0	150	20	75
20	Сув	AMT-300 мойи	0,5	1,0	130	5	65
21	Сув	Сув	5,0	3,5	120	15	80
22	Сув	Сув	2,0	4,5	110	20	75
23	MC-20 мойи	Сув	2,8	1,9	140	15	80
24	Сув	Сув	4,7	3,9	160	25	95
25	Сув	Сув	4,6	5,2	150	10	85

#### 6.4. Буғ-сувли иситгич

Вариант №	Совук сувнинг сарфи, $G_2$ , кг/с	Буғнинг босими Р, МПа	Сувнинг ҳарорати	
			Киришдаги $t_1^/, {}^{\circ}\text{C}$	Чиқишдаги $t_2^//, {}^{\circ}\text{C}$
26	3	0.15	20	75
27	4	0,2	10	85
28	5	0,25	20	80
29	6	0,3	10	85
30	7	0,35	15	90
31	4,5	0,4	5	80
32	5,5	0,45	5	90
33	6,5	0,5	10	85

#### 6.5. Кувурли ҳаво иситгич


Вариант №	Ўтхона газларининг сарфи $V, \text{м}^3/\text{с}$	Ҳаво сарфи $V_2, \text{м}^3/\text{с}$	Ҳароратлар ${}^{\circ}\text{C}$		
			$t_1^/, {}^{\circ}\text{C}$	$t_1^//, {}^{\circ}\text{C}$	$t_2^/, {}^{\circ}\text{C}$
34	4500	3000	650	300	5
35	6000	3500	550	270	10
36	3000	4000	900	350	15
37	4000	4500	950	450	20
38	7000	5000	700	400	25
39	8000	5500	850	430	30
40	5500	6000	750	320	5

#### 6.6. Вариантлар


Рейтинг дафтар-часи-нинг охирги икки рақами	00 61 97	01 41 80	02 42 92	03 44 94	04 43	05 22	06 35 45	07 47	08 23 74	09 48 68
Вариант номери	24	1	11	18	2	26	12	3	34	19
Рейтинг дафтар-часи-нинг охирги икки рақами	10 49 96	11 50 76	12 64 83	13 52	14 57	15 36 54	16 55 84	17 39	18 60 78	19 58 86
Вариант номери	4	13	28	5	20	14	6	32	7	15
Рейтинг дафтар-часи-нинг охирги икки рақами	20 73	21 32 63	24 30 77	26 71 89	27 87	25 62 95	28 99	29 66 81	31 40 69	33 46
Вариант номери	21	8	22	40	10	16	33	17	29	35

Рей- тинг дафтар- часи- нинг охирги икки рақами	34 53	37 98	38 82	51 67	56 91	59 93	65 72	70 90	75 88	79 85
Ва- риант номери	27	39	23	25	38	31	36	39	30	37

Вариант талаба рейтинг дафтарчасининг охирги иккита рақамига түгри келади.



8-расм.  $\varepsilon_{CO_2}$  учун ҳароратта боғлиқ қоралик даражаси



9-расм.  $\varepsilon_{H_2O}$  учун ҳароратта боғлиқ қоралик даражаси

## Иловалар

### 10-жадвал Маҳаллий қаршилик коэффициентлари

№/№	Участканинг тавсифи	$\xi$ қиймати
1.	Кириш ва чиқиши камераларда зарба ва бурилиш	1,5
2.	Оралиқ камерасидан биринчи секциядан иккинчисига $180^\circ$ га бурилиш	2,5
3.	Секцияли конструкцияларда U-симон қувур орқали биринчи секциядан иккинчисига $180^\circ$ га бурилиш	2,0
4.	Ишчи оқимига $90^\circ$ бурчак остида қувурлараро майдонига кириш	1,5
5.	U-симон қувурчада $180^\circ$ га бурилиш	0,5
6.	Қувурлараро оқим учун биринчи секциядан иккинчисига $180^\circ$ га бурилиш	1,5
7.	Қувурлараро оқим учун биринчи секциядан иккинчисига ўтиш	2,5
8.	Қувурчаларни қувватлайдиган түсіктарни олиб ўтиш	0,5-1,0
9.	$90^\circ$ бурчак остида қувурлараро майдонидан чиқиши	1,0
10.	Катта ҳажмли идишдан қувурга кириш: а) ўткир кириш четлари орқали	0,5-0,25
	→ <input type="text"/>	
	б) думалоқ киришда	1,0
11.	Катта ҳажмли идишга қувурдан чиқиши	
12.	Бирданига кенгайиши	
13.	Бирданига торайиши	
14.	$90^\circ$ га кескин бурилиш (U симон қувур)	
15.	$90^\circ$ га равон бурилиш	$\xi = \left(1 - \frac{f_1}{f}\right)^2$

11-жадвал

Куруқ ҳавонинг иссиқлиқ-физик хусусиятлари  
( $P = 760 \text{мм.сум.уст.} = 1,01 \cdot 10^5 \text{Па}$ )

$t, {}^\circ C$	$\rho$ $\text{кг} / \text{м}^3$	$c_p$ $\frac{\text{кж}}{\text{кг} \cdot \text{К}}$	$\lambda \cdot 10^2$ $Bm$ $(\text{м} \cdot \text{К})$	$a \cdot 10^6$ $\frac{\text{м}}{\text{м} \cdot \text{с}}$	$\mu \cdot 10^6$ $\frac{\text{Па} \cdot \text{с}}{\text{м}^2 \cdot \text{с}}$	$\gamma \cdot 10^6$ $\frac{\text{м}^2}{\text{м}^2 \cdot \text{с}}$	$P_r$
				$m/c$	$\text{Па} \cdot \text{с}$	$\text{м}^2 / \text{с}$	
0	1,293	1,005	2,44	18,8	17,2	13,28	0,707
10	1,247	1,005	2,51	20,0	17,6	14,16	0,705
20	1,205	1,005	2,59	21,4	18,1	15,06	0,703
30	1,165	1,005	2,67	22,9	18,6	6,00	0,701
40	1,128	1,005	2,76	24,3	19,1	16,96	0,699
50	1,093	1,005	2,83	25,7	19,6	17,95	0,698
60	1,060	1,005	2,90	26,2	20,1	18,97	0,696
70	1,029	1,009	2,96	28,6	20,6	20,02	0,694
80	1,000	1,009	3,05	30,2	21,1	21,09	0,692
90	0,972	1,009	3,13	31,9	21,5	22,10	0,690
100	0,946	1,009	3,21	33,6	21,9	23,13	0,688
120	0,898	1,009	3,34	36,8	22,8	23,45	0,686
140	0,854	1,013	3,49	40,3	23,7	27,80	0,684
160	0,815	1,017	3,64	43,9	24,5	30,09	0,682
180	0,779	1,022	3,78	47,5	25,3	32,49	0,681
200	0,746	1,026	3,93	51,4	26,0	34,85	0,680
250	0,674	1,038	4,27	61,0	27,4	40,61	0,677
300	0,615	1,047	4,60	71,6	29,7	48,33	0,674
350	0,566	1,059	4,91	81,9	31,4	55,46	0,676
400	0,524	1,068	5,21	93,1	33,0	63,09	0,678
500	0,456	1,093	5,74	115,3	36,2	79,38	0,687
600	0,404	1,114	6,22	138,3	39,1	96,89	0,699
700	0,362	1,135	6,71	163,4	41,8	115,4	0,706
800	0,329	1,156	7,18	188,8	44,3	134,8	0,713

12- жадвал

Атмосфера босимида тутун газларнинг иссиқлиқ физикавий хусусиятлари (парциал босим)  
 $P_{CO_2} = 0,013 \text{МПа}$ ,  $P_{H_2O} = 0,011 \text{МПа}$

$t, {}^\circ C$	$\rho$ $\text{кг} / \text{м}^3$	$c_p$ $\frac{\text{кж}}{\text{кг} \cdot \text{К}}$	$\lambda \cdot 10^2$ $Bm$ $(\text{м} \cdot \text{К})$	$a \cdot 10^6$ $\frac{\text{м}}{\text{м} \cdot \text{с}}$	$\mu \cdot 10^6$ $\frac{\text{Па} \cdot \text{с}}{\text{м}^2 \cdot \text{с}}$	$\gamma \cdot 10^6$ $\frac{\text{м}^2}{\text{м}^2 \cdot \text{с}}$	$P_r$
				$m/c$	$\text{Па} \cdot \text{с}$	$\text{м}^2 / \text{с}$	
0	1,295	1,042	2,28	16,9	15,8	12,20	0,72
100	0,950	1,068	3,13	30,8	20,4	21,54	0,69
200	0,748	1,097	4,01	48,9	24,5	32,80	0,67
300	0,617	1,122	4,84	69,9	28,2	45,81	0,65
400	0,525	1,151	5,70	94,3	31,7	60,38	0,64
500	0,457	1,185	6,56	121,1	34,8	76,30	0,63
600	0,405	1,214	7,42	150,9	37,9	93,61	0,62
700	0,363	1,239	8,27	183,8	40,7	112,1	0,61
800	0,330	1,264	9,15	219,7	43,4	131,8	0,60
900	0,301	1,290	10,0	258,0	45,9	152,5	0,59
100	0,275	1,306	10,90	303,4	48,4	174,3	0,58
110	0,257	1,323	11,75	345,5	50,7	197,1	0,57
120	0,240	1,340	12,62	392,4	53,0	221,0	0,56

13- жадвал

АМТ майининг иссиқлиқ-физик хусусиятлари

$t, {}^\circ C$	$P$ $\text{МПа}$	$\rho$ $\text{кг} / \text{м}^3$	$\lambda \cdot 10^2$ $Bm$ $(\text{м} \cdot \text{К})$	$h_1^1$	$c_p$ $\frac{\text{кж}}{\text{кг} \cdot \text{К}}$	$\gamma \cdot 10^6$ $\frac{\text{м}^2}{\text{м}^2 \cdot \text{с}}$	$P_r$
				$\text{кж} / \text{кг}$	$\text{м}^2 / \text{с}$		
20	2	959	0,120	31,2	1,6	159	2030
40	-	948	0,119	64,0	1,68	44,6	596
60	-	937	0,117	96,5	1,73	16,8	233
80	-	925	0,115	134,5	1,81	8,46	123
100	-	913	0,114	170,0	1,87	5,17	77,6
120	-	901	0,112	208,2	1,97	4,44	53,8
140	0,9	889	0,111	248,0	2,01	2,47	39,7
160	1,8	879	0,108	288,0	2,08	1,77	29,8
180	1,8	863	0,106	330,0	2,14	1,31	22,9
200	2,8	849	0,104	374,0	2,22	1,09	19,9
220	4,2	835	0,102	418,0	2,28	0,91	16,5
240	6,5	822	0,100	462,0	2,34	0,77	15,0

14- жадвал

Түйиниш чизигидаги бүгнинг  
иссиқлик-физик хусусиятлари

$P, MPa$	$t_\delta, {}^\circ C$	$r, кжс / кг$
0,15	111,4	2226
0,2	120,2	2202
0,25	127,4	2182
0,3	133,5	2164
0,35	138,9	2148
0,4	143,6	2133
0,45	147,9	2121
0,5	151,8	2109

15- жадвал

Трансформатор майининг ҳароратга боғлиқ  
иссиқлик-физик хусусиятлари

$t, {}^\circ C$	$\rho, \text{кг}/\text{м}^3$	$C_p, \text{кДж}/(\text{кгК})$	$\lambda * 10^2, \text{Вт}/(\text{мК})$	$\mu * 10^6, \text{Па с}$	$\gamma * 10^6, \text{м}^2/\text{с}$	$a * 10^8, \text{м}^2/\text{с}$	$\beta * 10^4, \text{К}^{-1}$	$Pr$
0	892,5	1,549	0,1123	629,8	70,5	8,14	6,80	866
10	886,4	1,620	0,1115	335,5	37,9	7,83	6,85	484
20	880,3	1,666	0,1106	198,2	22,5	7,56	6,90	298
30	874,2	1,729	0,1098	128,5	14,7	7,28	6,95	202
40	868,2	1,788	0,1090	89,4	10,3	7,03	7,00	146
50	862,1	1,846	0,1082	65,3	7,58	6,80	7,05	111
60	856,0	1,905	0,1072	49,5	5,78	6,58	7,10	87,8
70	850,0	1,964	0,1064	38,6	4,54	6,36	7,15	71,3
80	843,9	1,026	0,1056	30,8	3,66	6,17	7,20	59,3
90	837,8	1,085	0,1047	25,4	3,03	6,00	7,25	50,5
100	831,8	1,144	0,1038	21,3	2,56	5,83	7,30	43,9
110	825,7	1,202	0,1030	18,1	2,20	5,67	7,35	38,8
120	819,6	1,261	0,1022	15,7	1,92	5,50	7,40	34,9

16-жадвал

МС-20 майининг ҳароратга боғлиқ  
иссиқлик-физик хусусиятлари

$t, {}^\circ C$	$\rho, \text{кг}/\text{м}^3$	$C_p, \text{кЖ}/(\text{кгK})$	$C_{p_0}, \text{кЖ}/(\text{кгK})$	$\mu \cdot 10^4, H_{ac}$	$\mu \cdot 10^4, H_{ac}$	$\alpha \cdot 10^6, \text{м}^2/\text{с}$	$\beta \cdot 10^4, \text{К}^{-1}$	$P_r$
0	903,6	1,980	0,135	-	-	7,58	6,24	-
10	897,9	2,010	0,135	-	-	7,44	6,31	-
20	892,3	2,043	0,134	10026	1125	7,30	6,35	15400
30	866,6	2,072	0,132	4670	526	7,19	6,38	7310
40	881,0	2,106	0,131	2433	276	7,08	6,42	3890
50	875,3	2,135	0,130	1334	153	7,00	6,46	2180
60	869,6	2,165	0,129	798,5	91,9	6,86	6,51	1340
70	864,0	2,198	0,129	498,3	58,4	6,75	6,55	865
80	858,3	2,227	0,127	336,5	39,2	6,67	6,60	588
90	852,7	2,261	0,126	234,4	27,5	6,56	6,64	420
100	847,0	2,290	0,126	171,7	20,3	6,44	6,69	315
110	841,3	2,320	0,124	132,4	15,7	6,36	6,73	247
120	835,7	2,353	0,123	101,0	12,1	6,25	6,77	193
130	830,0	2,382	0,122	79,76	9,61	6,17	6,82	156
140	824,4	2,420	0,121	61,80	7,50	6,08	6,87	123
150	818,7	2,445	0,120	53,17	6,50	6,00	6,92	108

Түйиниши чизигидаги сувнинг иссиқлик-физик хусусиятлари

17-жадвал

t, °C	P*10 <sup>5</sup> , Па	ρ, кг/м <sup>3</sup>	h', кДж/кг	C <sub>p</sub> , кДж/ (кгК)	λ*10 <sup>2</sup> , Вт/мК	a*10 <sup>8</sup> , м <sup>2</sup> /с	μ*10 <sup>6</sup> , Па с	γ*10 <sup>6</sup> , м <sup>2</sup> /с	β*10 <sup>4</sup> , К <sup>-1</sup>	σ*10 <sup>4</sup> , Н/м	Pr
0	1,013	999,9	0	4,212	55,1	13,1	1788	1,789	-0,63	756,4	13,67
10	1,013	999,7	42,04	4,191	57,4	13,7	1306	1,306	+0,7	741,6	9,52
20	1,013	998,2	63,91	4,183	59,9	14,3	1004	1,006	1,82	726,9	7,02
30	1,013	995,7	125,7	4,174	61,8	14,9	801,5	0,805	3,21	712,2	5,42
40	1,013	992,2	167,5	4,174	63,5	15,3	653,3	0,659	3,87	696,5	4,31
50	1,013	988,1	209,3	4,174	64,8	15,7	549,4	0,556	4,49	676,9	3,54
60	1,013	983,2	251,1	4,179	65,9	16,0	469,9	0,478	5,11	662,2	2,98
70	1,013	977,8	293	4,187	66,8	16,3	406,1	0,415	5,70	643,5	2,55
80	1,013	971,8	335,0	4,195	67,4	16,6	355,1	0,365	6,32	625,9	2,21
90	1,013	965,3	377,0	4,208	68,0	16,8	314,9	0,326	6,95	607,2	1,95
100	1,013	958,4	419,1	4,220	68,3	16,9	282,5	0,295	7,52	588,6	1,75
110	1,43	951,0	461,4	4,233	68,5	17,0	259,0	0,272	8,08	569,0	1,60
120	1,98	943,1	503,7	4,250	68,6	17,0	237,4	0,252	6,64	548,4	1,47
130	2,70	934,8	546,4	4,266	68,6	17,2	217,8	0,233	9,19	528,8	1,36
140	3,61	926,1	589,1	4,287	68,5	17,2	201,1	0,217	9,72	507,2	1,26
150	4,76	917,0	632,2	4,313	68,4	17,3	186,4	0,203	10,3	486,6	1,17
160	6,18	907,4	675,4	4,346	68,3	17,3	173,6	0,191	10,7	466,0	1,10
170	7,92	897,3	719,3	4,380	67,9	17,3	162,8	0,181	11,3	443,4	1,05
180	10,03	886,9	763,3	4,417	67,4	17,2	153,0	0,173	11,9	422,8	1,00
190	12,55	876,0	807,8	4,459	67,0	17,1	144,2	0,165	12,6	400,2	0,96
200	15,55	863,0	852,5	4,505	66,3	17,0	136,4	0,158	13,3	376,7	0,93
210	19,08	852,8	897,7	4,555	65,5	16,9	130,5	0,153	14,1	354,1	0,91
220	23,20	840,3	943,7	4,614	64,5	16,6	124,6	0,148	14,8	331,6	0,89
230	27,98	827,3	990,2	4,681	63,7	16,4	119,7	0,145	15,9	310,0	0,88
240	33,48	813,48	1037,5	4,756	62,8	16,2	114,8	0,141	16,8	285,5	0,87
250	39,78	799,0	1085,7	4,844	61,8	15,9	109,9	0,137	18,1	261,9	0,86

Адабиётлар

1. Теплотехническое оборудование и теплоснабжение промышленных предприятий /Под общ.ред. - Б.Н.Голубкова.- М.: Энергия, 1972.
2. Теплотехника. /Под ред. В.Н.Луканина. - М.: Высшая школа, 2000.
3. В.П.Исаченко, В.А.Осипова, А.С.Сукомел. Теплопередача. - М.: Энергия, 1975.
4. Ляшков В.И. Теоретические основы теплотехники. – М.: Машиностроение –1, 2002.
5. Баскаков А.П. Теплотехника. – М.:Энергоатомиздат , 1999
6. Гурович Б.М., Тактаева Л.Н., Воробьев А.Н. Тепловой и гидравлический расчеты рекуперативных теплообменных аппаратов.- Ташкент, 1992.
7. Цветков Ф.Ф., Григорьев Б.А. Тепломассообмен. – М.: МЭИ, 2001.
8. [http://dhes.ime.mrsu.ru/studies/tot/tot\\_lit.htm](http://dhes.ime.mrsu.ru/studies/tot/tot_lit.htm)
9. [http://rbip.bookchamber.ru/description.aspx?product\\_no=854](http://rbip.bookchamber.ru/description.aspx?product_no=854)
10. <http://energy-mgn.nm.ru/progr36.htm>

## МУНДАРИЖА

1.	Кириш	
1.	Рекуператив иссиқлик алмашинув аппарат-ларининг иссиқлик ҳисоби. Иссиқлик баланси	4
2.	Иссиқлик ташувчиларнинг орасидаги ўртача ҳароратлар фарқи	6
3.	Асосий конструктив ўлчамларни олдиндан анилаш ва иссиқлик узатиш юзасининг жамланиши	8
3.1.	Секцияли иситгич	8
3.2.	«Қувур қувурда» иситгичи	10
3.3.	Сегмент түсікқа әга бўлган қувур қопламли иссиқлик алмашинув аппаратлари	11
3.4.	Буғ-сувли исигич	14
3.5.	Қувурли ҳаво иситгич	16
4.	Иссиқлик узатиш коэффициентини ҳисоблаш	17
4.1.	Мажбурий конвекциядаги ўртача иссиқлик бериш коэффициентларини ҳисоблаш	18
4.2.	Иссиқлик узатиш сиртларидағи ҳароратларни ҳисоблаш	21
4.3.	Мураккаб иссиқлик алмашинуvida ўртача иссиқлик бериш коэффициентларини ҳисоблаш	22
4.4.	Иссиқлик алмашинув аппаратлари асосий конструктив ўлчамларининг ҳисоби	24
5.	Иссиқлик алмашинув аппаратларининг гидравлик ҳисоби	25
6.	Иссиқлик алмашинув аппаратларини ҳисоблаш учун бошлангич маълумотлар варианти	29
6.1.	Секцияли иситгич	29
6.2.	«Қувур қувурда»	29
6.3.	Қувур қопламли иссиқлик алмашинув аппаратлари (сегмент түсікілар билан)	30
6.4.	Буғ-сувли исигич	31
6.5.	Қувурли ҳаво иситгич	31
6.6.	Вариантлар	32
	Иловалар	36
	Адабиётлар	42

Мұхаррир: М.М.Ботирбекова

Босиша рухсат этилди . Бичими , 1-сон қоғоз.  
Тезкор босма усулида босилди. Шартли босма тобоги . Нашр-  
ҳисоб тобоги. Адади 100. Буюртма №

Абу Райхон Беруний номли Тошкент давлат техника  
университети. 700095. Тошкент, Университет күчаси, 2.  
Тошкент давлат техника университети.

